

Ҳокимлик соати: Тайинлов, куз-қиш мавсуми, “Яшил макон” ва ободонлаштириш масалалари муҳокамаси



Бугун Термиз тумани ҳокими Шухрат Назаров раҳбарлигига навбатдаги “Ҳокимлик соати” йиғилиши ўтказилди. Йиғилиш аввалида Сайтов Отабек Сапарвалиевич туман Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи лавозимига тайинланганлиги маълум қилинди.

Шундан сўнг, кун тартибидаги масалалар муҳокама қилиниб, масъулларнинг ахборотлари тингланди. Мутасаддиларга аҳоли ва ижтимоий соҳа обьектларида куз-қиши мавсумини беталофат ўтказиш, кузги мавсум учун дараҳт кўчатлари экиш ишларини уюшқоқлик билан давом эттириш ҳамда жойларда ободонлаштириш ва чиқиндилардан ҳоли ҳудудга айлантириш ишларини сифатли олиб бориш бўйича вазифалар белгилаб берилди.

Шунингдек, жорий ҳафта давомида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.